

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 20-aprel, shanba № 29 (15667)

Yurting obod — diling obod

Ватанга бўлган муҳаббат инсонга она сути ва алласи, ота-она панд-насихати ва уларнинг шахсий ибрати, оила тарбияси, атроф-муҳит таъсири, устоз-мураббийлар таълим-тарбияси орқали сингади. Бу туйғу инсонга умри давомида ҳамроҳ бўлади, қаерга йўли тушмасин оҳанрабодай туғилган юртига чорлаб туради, эзгу мақсадлар йўлида вужудига куч-қувват бағишлайди, оғир дамларида суянч бўлади, иродасини тоблаяди, эл-юрт олдидаги бурчини, вазифасини садоқат билан бажаришга ундайди.

## Бурчга садоқат — юртга садоқат

Ватан туйғусини, бурчга садоқат масъулиятини Олий ҳарбий божхона институтида таҳсил олиш давомида чуқурроқ англаб етдик. Юрт озодлиги учун жонини тиккан Спитамен, Жалолиддин Мангуберди каби саркардалар, марказлашган давлатга асос солган ва унга Самарқандни пойтахт қилган Соҳибқирон Амир Темур бобомиз, ўзга элда подшо бўлса ҳам Ватан соғинчи билан яшаган шох ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур, жаҳон илм-фани тараққиётига бемисл ҳисса қўшиб заковатли халқимизни улуглаган Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, шеърят султони Алишер Навоий каби буюк аждодларимизнинг қони томиримизда оқаётганидан ғурурланасан, киши ва уларга муносиб ворис бўлиш бизнинг бурчимиз, ҳаётимиз мазмуни эканлигини янада теранроқ тушундик.

Институтга ўқишга келганимизга қадар божхона деганда, кўз олдимизга чегарада юрларни текширадиган назорат жойи келарди. Таҳсил олиш жараёнида билдикки, божхона мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қиладиган қутлуғ даргоҳ экан. Божхоначилар Ватан мустақиллигига, халқимиз маънавиятига, осойишталигига таҳдид соладиган четдан келувчи ҳар қандай кучни, ашёни тўхтатадиган, мамлакатимиз ҳудудидан қимматбаҳо бойликлар олиб чиқиб кетилишининг олдини оладиган, қонун ҳужжатлари бузилганда тезкор суриштирув-қидирув ишлари бошлайдиган, аҳолининг тинч-осуда ҳаётига хавfli контрабандачиларга қарши аёвсиз курашадиган мард, бурчига садоқатли ҳарбий хизматчилар экан. Бундай шарафли вазифани удалаш учун ҳар бир божхоначи жисмонан соғлом, руҳан бақувват, маънан етук бўлиши лозим. Шу боис ўқиш даврида дарсликларни, қўшимча адабиётларни мутолаа қилиш баробарида жисмоний тайёр-гарлигимизга ҳам алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

«Юксак маънавият — енгилмас куч». Президентимизнинг бу китобини ўқир эканмиз, божхо-

начининг маънавияти юксак бўлиши муҳим экан, деган хулосага келдик. Маънавиятни ўстириш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида ўйлаганимизда, айнан шу китобнинг ўзи бизга йўл кўрсатиб туради. Чунки бу китобда биз ўқишимиз-ўрганишимиз, диққатимизни қаратишимиз, фидойилик кўрсатишимиз керак бўлган жиҳатлар бобма-боб оддий, тушунарли тилда таҳлил этиб берилган.

Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўқиганимизда Ватанимизнинг озод ва эркин бўлиши осон кечмаганини чуқурроқ билиб олдик. Юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг гарови бўлган мустақиллигимизни асраб-авайлаш ҳар биримизга, шу жумладан, божхона хизматчиларига ҳам катта масъулият юқайди. Шу боис Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида етакчи сафларда турадиган божхоначи касбини танлаганимиздан фахрландик.

Яқинда кинотеатрда божхоначиларнинг машаққатли ва шарафли ҳаётига бағишланган «Матонат» бадий фильмининг кўрдик. Фильмда божхоначиларнинг Ватан туйғуси ва бурчига садоқати тўлақонли ифода этилибди. Биз бўлажак божхоначилар учун маънавиятимизни бойтадиган шундай фильмлар жуда ҳам керак деб ўйлаймиз. Ишончимиз комил, фильмда тасвирлангандай ҳаётда ҳам юртга садоқатли, бурчига садоқатли божхоначилар хизмат постларида ўз вазифаларини сидқидилдан бажараётгани учун Ватанимизда тинчлик барқарор, ҳар соҳада ривожланиш ва турмушимиз обод бўлаяпти. Бизнинг мақсадимиз ҳам юртга садоқатли, бурчига садоқатли божхоначилар сафидан муносиб ўрин эгаллаш. Бунинг учун албатта ҳали кўп ўқиб-ўрганишимиз, жисмонан чиникишимиз, иродаимизни тоблашимиз керак.

**Собир АСКАРОВ,**  
**Ваҳоб АЛИБОВЕВ,**  
**Олий ҳарбий божхона институти 3-курс тингловчилари**



2-бетга қаранг

Сардор Муллажонов фотокolleжи

## Бунёдкор халқимиз салоҳияти

Obod hududlar

Эзгуликнинг чегараси йўқ. Қалбида яхшилик бўлган инсон ҳеч қачон ўзи қилган ишни, бўлди, бас, шу охиргиси, демайди. Ота-боболари бутун дунёга ўзларининг фазилатлари билан, бунёдкорлик, ободончилик ишлари билан донг таратган халқнинг авлодлари ҳам бу улуг фазилатга муносиб ворис, бу эзгу ишларнинг муносиб давомчилари бўлиб қолаверади.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан шу йилнинг 16-17 апрель кунлари пойтахтимизда ўтказилган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзuidaги халқаро конференцияни кузатиш, унда иштирок этган хорижий мутахассисларнинг маърузалари, билдирган фикр-мулоҳазалари билан танишиш асносида беихтиёр шундай фахрли туйғулар кечди юракда.

Дарҳақиқат, бунёдкорлик бугун келажакка катта ишонч, юксак мақсадлар билан боқаётган ҳар бир ўзбекистонликнинг ҳаётий аъмоли, қалбидаги эзгу ғояси, десак, янглишмаймиз. Бунга ҳамоҳанг тарзда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, хусусан, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити, қишлоқлар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қабул қилинаётган Президент қарорлари, Давлат дастурлари, уларга монанд қилинаётган ишлар — буларнинг барчаси

юртимизда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, таъминлаш ҳамisha устувор аҳамият касб этишидан далолатдир.

Бугун мамлакатимизнинг қарийб эллик фоиз аҳолиси, яъни ўн беш миллионга яқин киши қишлоқ жойларда истиқомат қилмоқда. Уларнинг шаҳарниқидан асло қолишмайдиган турмуш шароитида яшаб меҳнат қилиши учун муносиб шароитлар яратиш давлатимиз эътиборидаги энг устувор вазифалардандир. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам бевосита ана шу ислохотларнинг изчил амалга ошиши йўлидаги энг муҳим қадамлардан бўлди.

(Давоми 3-бетда)

## Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ

**Элликқалъа туманида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Камалак» болалар ташкилотининг ташкил топганига ўн икки йил тўлиши муносабати билан «Юрт келажаги — ёшлар кўлида» шиори остида тадбир ташкил этилди.**

Тадбир аввалида зардўзлик, каштачилик, хунармандчилик билан шуғулланаётган ёшларнинг ижодий намуналари акс этган кўргазма намойиш этилди. Шундан сўнг «Аждодлар мероси — келажак пойдевори», «Камалак» билимдонлари», «Сиз қонунни биласизми?», «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали фолибларининг концерт дастури уюштирилди.

Тадбир давомида «Йилнинг энг яхши «Камолот» етакчиси» кўрик-танлови ҳам бўлиб ўтди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

**Чирчиқ шаҳрида «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги чакирик-қача ёшдаги ўқувчилар ўртасида ўтказилаётган ушбу мусобақа «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.**

Мусобақада қатнашган Бекобод туманининг «Қалқон», Оҳангарон туманининг «Шерюрак», Бўстонлик туманининг «Сарҳад», Зангиота туманининг «Ўзбегим ўғлонлари», Янгийўл туманининг «Жасорат», Бўка туманининг «Қалдирғоч» жамоалари саф кўриги, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тайёргарлик, давлат чегараси тўғрисидаги билимлар, мерганлик, АКМ автоматини сочиш ва йиғиш, югуриш, граната улоқтириш, турникда тортилиш, тўсиқлар йўлагидан ўтиш, ҳарбий топография каби ўн бешга яқин йўналишлар бўйича беллашди.

Мусобақанинг бу йилги низомига кўра, иштирокчилар Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг мазмун-моҳияти юзасидан ташкилотчилар саволларига жавоб беришди.

Мусобақада «Қалқон» жамоаси биринчи ўринни, «Шерюрак», иккинчи ўринни, «Қалдирғоч» жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

# Кўркам шаҳарда кўркам боғ

Юртимизда гўзал масканлар сони тобора ортмоқда. Бу халқимизнинг бунёдкорлигидан, обод ва фаровон турмуш кечириётганидан далолатдир. Яқинда Андижон шаҳрида фойдаланишга топширилган «Камолот» ёшлар боғи ҳам бунинг амалий исботи, десак, муболага бўлмайди. Ушбу боғ тез орада андижонликларнинг севимли масканига айланди.

— Шаҳар марказидаги 4,5 гектарлик ушбу боғ «Камолот» фаоллари ташаббуси билан кўркам қиёфага келтирилди, — дейди Ҳаракатнинг Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари Акмал Жумабоев. — Бу ерда қисқа муддатда кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Қурилиш ишларида «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатига бирлашган ёшлар ҳам муносиб ҳисса қўшди. Ободонлаштириш ишларида эса «Камолот» фаоллари жонбозлик кўрсатди. Ёшлар боғига юз туп манзарали дарахт, беш юздан ортиқ гул кўчати ўтқазилди. Бугун ушбу маскан ёшлар билан гавжум. Энди бу ерда «Камолот» ЁИХнинг турли тадбирларини ҳам ўтказишимиз мумкин.

Боғдаги қувноқ болажонларни кўриб, дилинг яйрайди. Гўзал фавворалар, қулай шароит, турфа хил кўнгило-

чар ўйинларни кузатиб, ташаббускор қурувчиларга миннатдорлик билдиргинг келади.

— Боғимиз бир вақтнинг ўзида икки мингта одамга хизмат кўрсата олади, — дейди «Камолот» ёшлар боғи раҳбари Аҳмадjon Фафуржонов. — Бу ерда йигирма иккита замонавий аттракцион, болалар сув ҳавзаси, ёзги амфитеатр, битта диаметри 16 метрлик мусикали фаввора, битта юз метрлик ритмик фаввора, бешта кафе дам олувчилар хизматида. Боғ маъмурияти учун икки қаватли бино ҳам барпо этилган. Ҳайвонот оламига қизиқувчилар учун мўъжазгина қушлар боғи ташкил этилган. Келгусида бундан-да кўпроқ янгиликлар яратишга ҳаракат қиламиз.

«Камолот» ёшлар боғининг барпо этилиши, айниқса, кўп қаватли тураржойларда истиқомат қилаётган аҳоли учун қувончли хабар



бўлди. Бу ҳақда Бобораҳим Машраб кўчасида истиқомат қилаётган Баҳорой ая Қодирова шундай дейди:

— Ушбу боғ ташкил этилганидан биз, кексалар ҳам миннатдоримиз. Олдинлари бу ерлар қаровсизгина жой эди. Бугун эса кўркам ва чиройли, қувонарлиси, шароитлар зўр. Бундан набираларим жуда хурсанд. Энди набирам билан узоқдаги боғларга бормаяпмиз. Уйимиз боққа яқин бўлгани учун бир

оёғимиз шу ерда. Набирам баҳона ўзим ҳам мириқиб ҳордиқ чиқараяпман.

Бундай истироҳат боғларида маданий ҳордиқ чиқаришимиз кайфиятимизни кўтариши билан бирга саломатлигимизга ҳам фойдалидир. Асосийси, танамизга етарли қувват бағишлаб, иш самарадорлигимизни оширади.

**Рустам ЮСУПОВ,  
«Turkiston» муҳбири**

Xushxabar

## Ёшлар учун яна бир тўхфа

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қўқон шаҳар кенгашида 68 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларда 37 мингдан ортиқ ёшлар бирлашган. Кенгаш ёшларнинг бўш вақтини мазмунли банд этиш, турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш, иқтидорли ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш ва ҳунар ўрганишларига қўмаклашиш каби қатор соҳаларда бошқаларга намуна қилиб кўрсатса арзирли ишларни амалга оширяпти.



Кўҳна ва навқирон Қўқон шаҳрида олиб борилаётган қурилиш, шаҳарнинг меъморий қиёфасини янгилаш, янги-янги sanoat қорхоналари, маданият ва спорт иншоотлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, савдо марказлари, тураржойлар ҳамда йўллар барпо этилаётганидан барчамиз бохабармиз. Ана

шундай бунёдкорлик ишлари қаторида «Ёшлар маркази» қурилгани шаҳар ёшлари учун муносиб тўхфалардан бири бўлди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топганининг 12 йиллик байрами арафасида марказнинг фойдаланишга топширилгани тўғрисида

тўёна бўлди.

Марказни ташкил этиш учун таъмир-талаб бинони реконструкция қилишга 432 миллион сўм маблағ сарфланди. Биринчи қаватдан Қўқон шаҳрида ягона кўргазмалар зали ва юз кишилик ёшлар кафеси жой олди.

— Кўргазмалар зали иқтидорли ёшларимизнинг ўз ижодларини намойиш этишлари учун жуда катта имконият бўлди, — дейди «Камолот» ЁИХ Қўқон шаҳар кенгаши раиси Абдор Эгамбердиев. — Кўргазмалар залида, энг аввало, ёшлар ижодини намойиш этишни, қолаверса, ёшлар учун таниқли ижодкорларнинг кўргазмаларини ўтказишни ҳам мўлжаллаяпмиз.

Бинонинг иккинчи қаватида қирқ кишилик конференция зали ва 16 та хона бор. Хоналарни жиҳозлаш ишлари шаҳар ҳокимлиги кўмаги ва шаҳардаги қорхона-ташкilotлар ҳомийлигида амалга оширилди. Бу ишларга 60 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарф этилди. Хоналарнинг ўнтаси ёшларнинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган ўнта тўғараққа ажратилган. Биргина тилларни ўргатиш тўғарағида инглиз, рус, корейс, хитой ва немис тиллари ўргатиляпти. Ёш оналар мактаби, аёллар сартарошлиги, компьютер савдонлиги, бичиш-тикиш ва элита пардалар тикиш тўғарақларига ҳам ёшларнинг қизиқиши катта. Марказ энди иш бошлаган бўлса-да, ҳунар ўрганиш истағидаги ёшлар кун сайин кўпаймоқда.

**Нодиржон ЮСУПОВ,  
«Turkiston» муҳбири**

# Бунёдкор халқимиз салоҳияти



Оттабек МИРСОАТОВ (ЎзА) ёлган сурат

## (Давоми, боши 1-бетда)

Унга монанд 2009 — 2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр бўлган 23,6 мингдан зиёд яқка тартибдаги уй-жой қурилди. Уйлар минтақа иқлими, жумладан, ёз ва қиш ойларининг ўзига хос инжиқликлари, иссиқ ва совуқ ҳаво оқимининг хоналарга таъсир кучи, шамол йўналишлари ҳисобга олинган ҳолда бунёд этилганини ҳам эътироф этиш жоиз. Янги уй-жой массивларида истиқомат қиладиган аҳоли сонини инобатга олиб, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, дўконлар ва хизмат кўрсатиш объектлари, спорт иншоотлари барпо этилмоқда. Бу ўша ерда яшайдиган кишиларга қўшимча қулайлик яратишини инобатга олсак, ҳақиқатан ҳам бугун шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги фарқлар тобора камайиб бораётганини кўрамиз.

Қулайлик фақатгина яшаш шароитида эмас. Уй сотиб олаётган қишлоқ аҳли учун йўлга қўйилган кредит тизими ҳам

фуқароларга жуда катта имкониятдир. Яъни қишлоқда яшайдиган киши уйнинг намунавий лойиҳасини танлаганидан кейин дастлабки тўлов сифатида уй нархининг 25 фоизи миқдоридagi ўз маблағини тўлайди. Қулай шартлар асосида узок муддатга, яъни ўн беш йилга имтиёзли фоиз ставкаси бўйича, биринчи йил белгиланган фоизни тўламаслик шarti билан етти фоиз миқдоридagi ипотека кредити берилади.

Бундай қулай имкониятлар, шароитлар билан танишган хорижлик мутахассислар ўз фикрларини билдиришар экан, бу, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, ҳукуматининг олиб бораётган оқилona сиёсати меваси эканини таъкидлашди. Масалан, Ислон тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али ўз нутқида таъкидлаганидек, «Қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ташаббуси, бу — Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар дастурининг муҳим, ҳал қилувчи қисмидир ва моҳиятига кўра, иқтисодий ислохотларнинг «ўзбек модели» самарадорлиги ва изчиллигининг амалдаги яна бир тасдиғидир».

Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шио Жао эса, ўз нутқида қишлоқларда барпо этилаётган уй-жойлар замонавий дизайн ва қулайликларга эга эканини таъкидлар экан, янги уй-жойлар қишлоқлар кўрқига кўрк қўшади. Болалар боғчаси, мактаблар ва врачлик пунктлари бевосита яқин атрофда жойлашгани ҳам аҳоли учун катта қулайликлар яратади. Янги уйлар билан бир вақтда коммунал инфратузилма ҳам барпо этилмоқда. Транспорт ва бошқа жамоат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари пухта ўйланган, дейди.

Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг, қудратимизни кўрмоқчи бўлсангиз, биз қурган биналарга боқинг, мазмунидаги машҳур гаплари фақатгина ўз замонаси учун айтилмагандек, назаримизда. Улуғ бобомизнинг бутун фазилатлари, оламшумул бунёдкорлик салоҳияти, эзгу аъмоли у зотнинг бугунги бунёдкор авлодлари илқида бардавон. Зеро, ободлик, фаровонлик, бунёдкорлик йўлидаги ишлар келажаги бундан-да порлоқ Ватанга ярашгусидир.

**Элмурод НИШОНОВ,**  
**«Turkiston» муҳбири**

## Hududlardan mujdalar

СҮРХОНДАРЕ

**«Камолот» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгаши ташаббуси билан Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театрида одам савдосига қарши курашиш мақсадида кўрик-танлов ташкил этилди.**

Танловда Термиз давлат университети «Қалқон», Музработ туманининг «Ҳазилкашлар», Термиз шаҳридаги 1-академик лицейнинг «Ҳа», «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши сардорларидан ташкил топган «Янги юлдузлар» жамоалари уч шарт бўйича беллашди. Жамоалар ўзларининг чиқишлари орқали одам савдоси, гиёҳвандлик, диний экстремизм каби иллатлар нималарга олиб келиши ҳамда бу йўлга билиб-билмай кириб қолишнинг олдини олишга қаратилган саҳна чиқишларини намойиш этишди.

Долзарб мавзулардаги саҳна чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолалиб, «Қалқон» жамоаси ғолиб деб топилди.

СИРДАРЕ

**Боёвут қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди.**

Унда тумандаги касб-хунар коллежларидан ўн икки нафардан жами саксон тўрт нафар спортчи қатнашди. Улар югуриш, граната улоқтириш, тир отиш, турникда тортилиш шартлари бўйича ўзаро беллашди.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосасига кўра, умумжамоа ҳисобида Боёвут қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи биринчи ўринни, Навбахор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи иккинчи ўринни, 3-Боёвут қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи учинчи ўринни эгаллади.

БУХОРО

Ҳаракатнинг таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари фаолияти учун етарли шароит яратиш, уларга ташкилий-услубий кўмак кўрсатиш, жойларда БТлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, улар ўртасида фаол, иқтидорли ва ташаббускор етакчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси» кўрик-танлови ўтказилди. Танлов давомида бошланғич ташкилотлар фаолияти таҳлилий ўрганиб чиқилди.

Натижаларга кўра, Ҳаракатнинг Бухоро шаҳридаги 12-, 8-мактаблар, Когон шаҳридаги 7-, Қоровулбозор туманидаги 3-, Фиждувон туманидаги 43-мактаб бошланғич ташкилотлари етакчилари «Энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси» деб топилди.

# Меҳнатсевар йигитлар

«Bunyodkor — 2013»

Хоразм вилоятининг Шовот туманида уюшмаган ёшлардан иборат «Бунёдкор» меҳнат ҳаракати иш бошлади. Унга маҳаллалардан эллик нафардан ортиқ ёшлар жалб этилган.


— Бу йил туманимизда кўплаб қурилиш-реконструкция ишлари олиб бориляпти, — дейди «Камолот» ЁИХ Шовот тумани кенгаши бош мутахассиси Шоира Нурметова. — Иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан келишиб, қурилиш объектларидаги бўш иш ўринлари тўғрисида маълумотлар тўпладик. Шу асосда бешта «Бунёдкор» меҳнат гуруҳи шакллантирилди. Улар март ойидан ишга киришишди. Ҳозир «Бунёдкор»чилар туман тиббиёт бирлашмаси, болалар шифохонаси, 8-болалар мусиқа ва санъат мактаби, 16- ва 18-мактаблар биналарини қуриш ва таъмирлаш ишларида иштирок этишляпти. Иш ярим йилдан тўққиз ойгача давом этади. Барча объектларда ёшлар учун бепул тураржой ва икки маҳал иссиқ овқат — нонушта ҳамда тушлик ташкил қилинган.

«Бунёдкор» меҳнат ҳаракати «Камолот» ЁИХ фаолиятидаги энг йирик ва давомли лойиҳалардан ҳисобланади. Таъкидлаш керак, ушбу лойиҳа қишлоқларда, айниқса, юқори натижа бермоқда. Зеро, республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қиладиган меҳнатга лаёқатли ёшларнинг

бандлигини таъминлаш ва шу орқали минглаб ёш оилаларнинг фаровонлигига эришиш бугунги кунда давлатимиз диққат марказидаги муҳим масаладир. Ёшлар ҳаракати эса, бу йўлда ўзининг самарали усули — кучларни бирлаштиришдан фойдаланиб келмоқда. Эсингизда бўлса, дастлаб «Бунёдкор» меҳнат ҳаракати фақат талаба-ёшлар учун мўлжалланган лойиҳа сифатида амалга оширилди. Мана, бир неча йилдирки, «Бунёдкор»чилар сафида ёшларнинг бошқа йирик контингенти — маҳаллалардаги уюшмаган ёшларни ҳам учратиш мумкин. Шовот туманида бундай тажриба ўтган йилдан буён муваффақиятли давом эттириляпти.

Яна бир фарқли жиҳат: талабалардан ташкил топган «Бунёдкор» меҳнат гуруҳлари, одатда, фақат ёзги таътил пайтида фаолият кўрсатса, уюшмаган ёшлар лойиҳада йил бўйи иштирок этишлари мумкин. Масалан, жорий йилги инвестиция дастурига киритилган Шовот тумани тиббиёт бирлашмасида қурилиш-таъмирлаш ишлари тўққиз ойга мўлжалланган. Пудратчи ташкилот — «Шовот ирригация қурилиш» МЧЖ билан тузилган шартномага кўра, Ҳаракатнинг туман кенгаши мазкур объектда ўттиз нафар ёшни вақтинчалик иш билан таъминлади. Яъни улар бу ерда қурилиш битгунга қадар фаолият кўрсатади.

— Меҳнат гуруҳида иш борлиги тўғрисида кўшниларибдан эшитдим, — дейди Шовот туманидаги «Роят» маҳалласида истиқомат қилувчи 27



ёшли Неъмат Мавлонов. — «Камолот» ЁИХ туман кенгашига мурожаат қилдим, мени «Бунёдкор» меҳнат ҳаракатига олишди. Оилам, бир фарзандим бор. Ишимдан ҳам, оиламдан ҳам кўнглим тўқ. «Камолот»чилардан миннатдорман. «Бунёдкор» меҳнат ҳаракати ҳақида маҳалладаги дўстларимга ҳам айтиб бердим. Менга эргашиб ушбу ҳаракатга яна ўн икки нафар маҳалладошим қўшилди. Ҳозир ҳаммамиз битта бригадада ишляпмиз. Иш оғир эмас, ҳафтада бир кун дам оламиз, маоши ҳам кўнгилдагидек. Бошқа томондан, ўз юртинг, она-қишлоғинг, маҳалланг ободлигига ҳисса қўшиш завқли-да!

— Мен келаси йили ҳам меҳнат ҳаракатига ёзилмоқчи-

ман, — дейди «Бунёдкор» меҳнат гуруҳининг яна бир аъзоси Тўравой Мадрахимов. — Сувоқчиман, туманимизда ҳар қадамда қурилиш ишлари бўляпти. Ҳадемай, туман истироҳат боғига туташ ҳудудда янги савдо мажмуаси, амфитеатр барпо этилади. Бундай ишларга бизнинг ҳам ҳиссамиз қўшилса, ёмонми?!

Ёзги таътил бошланиши билан бу ҳаракатга янги куч — талаба-ёшлар қўшилади... Биз эса, шовотлик қурувчи-йигитларга ҳорманг, деб қоламиз.

**Наргиза УМАРОВА,**  
**«Turkiston» муҳбири**

(Материал «Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кўмагида ташкил қилинган медиатур лойиҳаси доирасида тайёрланди.)

# Юксак мақсадларга чоғланиб



Сабохат Роҳатова 1995 йилда Хонқа туманида хизматчи оиласида таваллуд топди. У болалигида нимжон, камкуват эди. Қизининг тез-тез касал бўлиши ота-онасини ташвишга соларди. — Бир куни, қизим

спорт билан шуғулланиб, чиниқиш машқларини олиб борса, соғлом бўлиб ўсар, деган ниятда уни тумандаги каратэ клубига беришга қарор қилдим, — дея эслайди онаси Назокат Алимова. — Ўшанда Сабохат 12 ёшда эди.

Хар йили баҳорнинг илк кунларида юртимизнинг бир гуруҳ иқтидорли қизларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти топширилади. Бу йилги мукофот соҳибалари орасида Хоразм вилоятидаги Хонқа маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ўқувчиси Сабохат Роҳатова ҳам бор.

У каратэ машғулотларига қатнай бошлади. Қараб-сизки, қисқа муддат ичида унинг соғлиғида ўзгариш сезилди: энди у ҳадеб касалликка чалинавермас, кувноқ, ҳаракатлари чаққон бўла бошлади.

Хонқа туманидаги 36-мактабда ўқиш давомида Сабохат каратэ бўйича кўплаб мусобақаларда иштирок этиб, муваффақиятларга эришди. Хонқа маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежида таълимни давом эттираркан, янада катта зафарлар куча бошлади. Туман, вилоят ва республика биринчиликларида иштирок этиб, ютуқларга эришди.

— Ўтган йили шогирдимиз Сабохат Роҳатова каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионатининг кумитэ бахсларида 3-ўринни эгаллади, — дейди фахр билан Сабохатнинг устозларидан бири Баҳодир Сариев. — Тошкентда ўсмирлар ва катталар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон очик чемпионатида кумитэ ва ката бўйича 2-ўринни қўлга киритди. Албатта, бундай натижаларга эришиш учун спортчидан масъулия, эпчиллик ва шижоат талаб қилинади. Ана шу хислатлар Сабохатда бор.

Сабохат Роҳатова қора белбоғ соҳибаси. У жорий йилнинг 12-14 март кунлари пойтахтимизда

ўсмирлар ва катталар ўртасида бўлиб ўтган мамлакат биринчилигида кумуш медални қўлга киритди.

— Сабохат ўз устида доим ишлайдиган, тиришқоқ ўқувчиларимиздан, — дейди Хонқа маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи директори Гулсара Аҳмедова. — У ўтган йили ёзги таътилда Тошкентдаги «Ифбатли келин» ўқув марказига бориб, уй-рўзғор ишлари, тиқиш-бичиш, ҳар хил пишириқлар пишириш, соч турмаклаш, пардозлаш каби хунарларни пухта ўрганиб қайтди. Бу келгусида сариштали бека ва она бўладиган қизлар учун жуда муҳимдир.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибига Сабохат Роҳатова оилада тўнғич фарзанд. Унга икки нафар укаси, бошқа тенгдошлари ҳам ҳавас билан қарайди, у сингари спортчи бў-

лишга интилади. Ҳозир Сабохатнинг тенгқурлари бўлган аксарият қизлар турли спорт тўғрақларига қатнамоқдалар.

Сабохат рус тилида эркин гаплаша олади. Айни пайтда инглиз тилини ҳам ўрганмоқда.

— Келгусида Ички ишлар вазирлигига қарашли Ички ишлар академиясида ўқимоқчиман, — дейди у орзу-мақсадлари билан ўртоқлашар экан. — Халқимизнинг осойишталиги ва тинчлиги йўлида хизмат қилиш — менинг олий мақсадим.

Сабохат Роҳатова бу йил коллежни тамомлайди. Ёзда академияга кириш имтиҳонларини топширади. Ҳозир имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўрмоқда. Кўзларида умид учкунлари порлаб турган Сабохатнинг ниятлари рўёбга чиқишини истаймиз.

**Эрпўлат БАХТ,**  
**«Turkiston» мухбири**

Bolaning begonasi bo'lmaydi

## Эътиборда гап кўп...

Бугунги кунда юртимизда «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» деган шиор остида хайрли ишлар олиб борилмоқда. Бунинг тағ-замирида катта маъно мужассам. Чунки фарзанд дастлаб оиласида, ота-онасининг қўлида илк тарбияни олади, маҳалла-қўй ҳам унинг юриш-туришига масъул бўлади. Таълим муассасасида эса, у мана шу таълим, одоб-ахлоқ, юриш-туриш ва бошқа кўпгина жиҳатларни умумлаштириши айна ҳақиқат.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати томонидан бир қатор кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур хизмат республика миқёсида ҳуқуқий-ижтимоий, тарбиявий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаганларни аниқлаб, уларга ва ота-оналарига ёрдам кўрсатиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби ишларни амалга оширади.

Вояга етмаганлар иштирокида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятлар келиб чиқишининг асосий сабаби — уларнинг ғўрлиги, ота-онасининг озгина эътиборсизлиги натижасидир. Республика миқёсида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси инспекторлари улар билан суҳбат қилганларида ёшларнинг мақсадлари буюклиги, Ватанимиз тараққиёти учун, ота-онасининг обрў-эътибори учун бор куч-ғайратларини аямай, яхши ўқишлари лозимлиги кўп бора таъкидланади. Улар ушбу қилмишларини билмасдан, маълум бир сабабларга кўра содир этиб қўйганликларини айтиб, пуншаймонликларини билдирадидилар.

Ёшлар — бизнинг келажагимиз. Шунинг учун ҳам уларни турли ёт гоёлар ва турли оқимлардан сақлаб қолиш йўлида бир нечта самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Ўқувчи», «Давомат» ва «Ўсмир» каби тадбирлар мунтазам ўтказилиб, мана шу жараён давомида вояга етмаган ёшларимизнинг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик йўлига ки-

риб қолишидан сақлаб қолинмоқда. Бундан ташқари, йил давомида «Ёшлар гиндликка қарши», «Келажагимиз ёшлар қўлида» ва «Ёшларимиз турли ёт гоёлар таъсирига тушиб қолмасин!» мавзусидаги турли учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Навниҳолларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш мақсадида милиция таянч пунктлари атрофида спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари ҳамда махсус спорт заллари ташкил этилиб, ёшларнинг мунтазам равишда у ерда спортнинг барча турлари билан мунтазам шуғулланишларига замин яратилмоқда.

Республикамиз миқёсида вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Мазкур марказларнинг асосий вазифаси ота-онаси назоратидан четда қолиб кетган, адашиб қолган ёки яна бошқа бир сабабларга кўра кўчаларда тентираб юрган болаларга ёрдам беришдан иборат. Вояга етмаган болалар марказга келтирилгач, дастлаб тиббий кўрикдан ўтказилади ва уларнинг шахсини аниқлашга киришилади. Ота-онаси ёки қариндошлари топилгунича болалар марказда ўқитилади, яратилган замонавий шароитларда спорт билан шуғулланади, кийим-кечак ва иссиқ овқат билан таъминланади. Уларнинг кўпчилиги ўз оилаларига қайтарилди ва бошқаларига ҳам ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

**Улуғбек ТУЙМАОЕВ,**  
**ИИБ ҲОББ матбуот котиби,**  
**подполковник**

Imkoniyatlar



## Энг яхши лойиҳаларга грант

Пойтахтимиздаги «Гранд Орзу» меҳмонхонасида кичик грантлар дастури иштирокчилари учун репродуктив саломатлик, ОИВ профилактикаси, атроф-муҳит, таълим ва бошқа минг йиллик ривожланиш мақсадлари соҳаларида ижтимоий инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни бошқариш бўйича тренинг ўтказилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аҳолишунослик жамғармаси, «Ўзбекистонда ижтимоий инновациялар ва кўнгиллилик» лойиҳаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тренингда мамлакатимиз ҳудудларидан ўн тўққиз нафар лойиҳа иштирокчиси қатнашди. «Тенгдош-тенгдошга» тамойилида олиб борилган мазкур тренингда иштирокчилар оммавий танқисликларни аниқлаш, инновацион гоёларни режалаштириш кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек, ўз лойиҳа режаларини ишончли равишда тақдим этишни ўрганишди.

— Бугунги кунда ижтимоий инновациялар тушунчаси дунё бўйлаб кенг тарқалмоқда, — дейди БМТнинг «Ўзбе-

кистонда ижтимоий инновациялар ва кўнгиллилик» лойиҳаси тренинглар ва оммавий алоқалар бўйича мутахассиси Баҳром Ражабов. — Мазкур тренинг ёшлар лойиҳаларида бюджетни шакллантириш, янгича гоёларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш имкониятларига бағишланган.

Навоий давлат педагогика институти талабаси Умид Абулхаев ушбу тренингда «Илҳомланган ўқитувчилар» номли лойиҳаси билан қатнашди.

— Мактаб ўқувчилари ўртасида сўровнома ўтказганимизда, уларнинг кўпчилиги ўқитувчиларнинг зерикарли дарс ўтишини қайд этишган, — дейди Умид Абулхаев. — Шу боис бўлажак педагогларда замонавий педагогик технологиялар асосида дарс ўтиш маҳоратини ошириш учун ушбу лойиҳани ишлаб чиқдим. Семинар-тренинг асосида олиб бориладиган лойиҳамиз Навоий давлат педагогика институти қошидаги «Navoi Smart Time» ўқув марказида амалга оширилади.

Тренинг сўнгида долзарб мавзулардаги лойиҳалар тақдимотини яхши ҳимоя қилган иштирокчилар уч миллион сўмлик кичик грантларни қўлга киритди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

# СПОРТ БАЙРАМИГА МУНОСИБ ТАДРИК

Одатда, йирик спорт мусобақаларининг саралаш босқич беллашувлари ҳам ниҳоятда қизгин кечадди. Олимпиада ўйинларининг йўлланмаси учун бўладиган мусобақаларни бир кўз олдингизга келтиринг. Ёки бўлмаса, футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш ўйинларини олинг. Асосий мусобақага йўлланма олиш учун курашлар йиллаб давом этади. Бу нафақат спортчилар, балки спортсевар мухлислар учун ҳам бир олам завқ, ҳаяжон тухфа этади.

Юртимиз талаба-ёшларининг севимли спорт байрами — Универсиада спорт ўйинларининг республика финал босқичига йўлланма берувчи саралаш мусобақалари ҳам ана шундай ҳиссиётли онларга, дўстона қизгин курашларга бой ўтди. Бу ҳақда вилоятлардан мухбирларимиз хабар беради.



«Универсиада — 2013»

## Стадион янги қиёфада

Ҳадемай Бухоро шаҳрида юртимиз талаба-ёшларининг Универсиада спорт ўйинлари финал босқичи бошланади. Яқиндагина жойларда энг сўнги саралаш ўйинлари бўлиб ўтди. Уларда муваффақиятга эришган спортчилар бор эътиборларини энди финал босқичи тайёргарлигига қаратган бўлса, Бухоро шаҳрининг ўзида улкан спорт фестивалини юқори савияда ўтказиш учун сўнги тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Спорт ўйинларининг очилиш ва ёпилиш маросимлари, шунингдек, энгил атлетика мусобақалари ўтказиладиган «Бухоро спорт мажмуаси» янгида қиёфа касб этапти, десак, асло муболага бўлмайди. Жумладан, стадионнинг барча секторлари қайта таъмирланди. Томошабинлар учун, санъаткор ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун алоҳида, Универсиадага ташриф буюрадиган нуфузли меҳмонлар учун алоҳида

жой ҳозирланди. Стадион халқаро стандартга тўлиқ жавоб берадиган ёруғлик тизимига эга эканлиги унинг келгусида нафақат Универсиада, балки бошқа нуфузли мусобақаларни ўтказиш учун ҳам шай эканидан дарак беради. Австралиядан келтирилган 204 та саҳна чироғи, баландлиги 51 метрли ёриткич миноралар, Германияда ишлаб чиқарилган улкан электрон табло — булар ҳали ҳаммаси эмас. Стадионнинг томо-

шабинларга мўлжалланган қисми ҳам, байрам тадбирлари ва мусобақалар ўтказиладиган қисми ҳам ажойиб ҳолатга келтирилди. Кийиниш хонаси, журналистларга мўлжалланган хоналар ҳам қайта таъмирланди ва янада қулай, кўркам ҳолга келди.

Ўйлаймизки, мазкур мажмуа Универсиада спорт ўйинларида иштирок этадиган талаба-ёшларнинг энг севимли маскани бўлиб қолиш билан бирга, Бухорога ташриф буюрадиган меҳмонлар учун ҳам қадимий ва ҳамisha навқирон шаҳарнинг бошқа обидалари сингари диққатни тортадиган мафтункор гўша бўлиб қолади.

Лайло ҲАЙИТОВА,  
Бухоро

Самарқанд шаҳрида «Универсиада — 2013» спорт ўйинларининг минтақавий саралаш босқич беллашувларида мезбон вилоятдан ташқари, Жиззах ва Навоий вилоятлари талаба-ёшларидан иборат жамоалар футбол, қўл тўпи, баскетбол ва волейбол бўйича ўз куч ва имкониятларини синовдан ўтказишди.

## Тўрт йўлланма мезбонларда, учтаси меҳмонларда

Нуфузли мусобақанинг дастлабки йўлланмасини Навоий вилояти вакиллари устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозongan, жинззахлик талабалар билан эса дуранг натижа қайд этган самарқандлик футболчилар қўлга киритдилар. Мезбонлардан, шунингдек, қўл тўпи бўйича йигитлар ва қизлар терма жамоалари, тагин, волейболчи йигитлар ўзлари учун зарур бўлган натижаларга эришишди. Баскетбол ўйинларида навоийлик ўғил болалар ва қизлар жамоалари ҳамда волейболчи қизлар ғолиб чиқди.

— Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ўқувчи ва талаба-ёшларнинг уч босқичли спорт ўйинлари мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмонан ва маънан баркамол бўлиб ўсиши, халқаро майдонда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган спортчиларни тайёрлаш ҳамда қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Самарқанд вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шуҳрат Рўзиев. — Олий ўқув юртларидан тажрибали спортчилар саралаб олиниб, жамоалар шакллантирилди. Ҳар бир жамоага машғулот ўтказиши учун барча шароитлар яратилди. Шунинг учун бўлса керак, ўзингиз ҳам гувоҳ бўлганингиздек, саралаш ўйинларида самарқандлик талабалар кўпроқ йўлланма соҳиби бўлишди. Аммо қўшни вилоят спортчилари иштирокини ҳам ижобий баҳолаш мумкин.

Ғолиб жамоалар спорт ўйинларининг республика финал босқичига ҳозирда-ноқ тайёргарликни бошлашди.

Тошкент, Қарши ва Нукус шаҳарларида ҳам Универсиада спорт ўйинлари дастуридан ўрин олган тўртта жамоавий спорт тури бўйича минтақавий саралаш босқич мусобақалари ўтказилди.

## Аксарият финалчилар маълум

Тошкент шаҳрида ўтказилган ўйинларда пойтахт, Тошкент вилояти ва Сирдарё вилояти талаба спортчилари иштирок этди. Қаршида Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро, Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти спортчи талабалари спорт ўйинларининг республика финал босқичига йўлланма учун кураш олиб бордилар. Аксарият минтақаларда финал босқичига йўл олган жамоалар номи маълум бўлди. Фақатгина Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти талаба-ёшлари орасида қайси жамоаларнинг йўлланма соҳиби бўлишлари энди аниқланади. Негаки, бу минтақада сўнги саралаш мусобақалари уй-сафар тизимида ўтказилади. Биринчи учрашувлар Нукусда ўтказилди. Демак, йўлланма соҳибларини аниқлаб берувчи жавоб учрашувлари Урганч шаҳрида бўлиб ўтади.

Жавохир КАРОМАТОВ

## Навбат финал босқичига

Уч кун мобайнида Андижон шаҳридаги спорт иншоотларида Универсиада спорт ўйинларининг минтақавий саралаш босқич мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Фарғона, Наманган ва Андижон вилояти олий таълим муассасалари талаба-спортчилари баскетбол, волейбол, қўл тўпи ва футбол бўйича беллашди.

Андижон давлат университетининг хорижий тиллар факультети спорт мажмуаси мезбонлик қилган қўл тўпи мусобақалари қизгин кечди. Унда мезбон вилоят вакиллари фарғоналик тенгдошларини 51:21, наманганликларни 35:29 ҳисобида енгиб, Универсиаданинг республика финал босқичига йўлланма соҳиби бўлди. Ҳандболчи талаба қизлар ўртасидаги беллашувларда ҳам йўлланма андижонликларга насиб этди. Улар наманганлик дугоналарини 35:23, фарғоналикларни 35:8 ҳисобида мағлуб этди.

Волейбол мусобақалари Андижон давлат тиббиёт институти спорт мажмуасида ўтказилди. Унда ҳам мезбонлар зафар кучди. Ҳам талаба йигитлар, ҳам талаба қизлар финал босқичи йўлланмасини қўлга киритганини эътироф этиш жоиз.

Андижон давлат университети спорт мажмуасида ўтказилган баскетбол мусобақаси ҳам қизиқарли ўтди. Андижонлик талаба йигитлар Наманган вилояти жамоасини 59:43, Фарғона вилояти жамоасини 91:39 ҳисобида енгиб, республика финал босқичи йўлланмаси соҳибига айланган бўлса, баскетболчи талаба қизлар ўртасида наманганликлар тенгсиз бўлди. Улар андижонлик дугоналари устидан 66:42, фарғоналик дугоналари устидан эса 58:18 ҳисобида ғалаба қозонди.

Андижон шаҳридаги футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг сунъий қопламали майдонида ўтказилган футбол мусобақаларида Фарғона вилояти талаба ёшлари ғолибликни қўлга киритди. Улар наманганлик дўстларини 2:0, андижонлик тенгдошларини 3:0 ҳисобида енгишди ва Универсиаданинг финал босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Муҳаммаджон КАРИМОВ,  
Андижон

Жасур РАҲМОНОВ,  
Самарқанд

# Тилингда чипқон чиққанми?!


(Бобомдан мактуб)

Ассалому алайкум, менинг ширинкулги болам Шакархандажон! Чопқиллаб юрибсанми? Акаларинг Заҳарханда, Баҳорханда, Наҳорханда, опанг Табассумхон, аммаларинг Қалампирхон, Алампирхон, холанг Ойтовоқ, поччанг Кунтовоқ, тоғанг Ошқовоқ, янганг Гулқовоқ, амакиларинг Муллабой, Маллабой, Каллабой, укаларинг Чўлибой, Жўлибой, Элибой... Ҳаммаси юзидан кулги таратиб, кулгисеварларни ўзига қаратиб, яхшиларнинг этагидан ушлаб, кулмаганига қўймай, кўнглини хушлаб юришибдими?

Шу десанг, болам, кейинги пайтларда асабим ўйноқи бўлиб қолган. Момом билан айтишиб қолдингизми, деяпсанми? Қўйсанг-чи, бобонг аёл зоти билан айтишиб ўтирадиган ҳолга келгани йўқ ҳали! Момонг билан яхшимиз! Лекин, болам, манави телевизор билан радиода чиқадиган баъзи ўртоқларингнинг гаплари ёмон хотиннинг дийдиёсидан баттар жонни эгавляпти! Билмайман, буларингнинг тилига чипқон чиққанми? Тўғри гапни тескари айтади. «А»ни «Б» дейди, «Б»ни «В» дейди, одамларни аҳмоқ биладими...

Анов кунни биттаси футбол шархляпти. Ўзича шархляпман деб ўйлапти-да. Ҳар икки сўздан кейин бир «А-а-а» деб олади. Кулоғим оғирлашиб қолмаганми, у кулоғимга худди хўкиз «Мо-о-о» дегандай эшитилади. «Криштиану Роналду аниқ шеригига тўп оширишни амалга оширди». Болам, шундай гапни сенинг ё бошқа бир неварамнинг оғзидан эшитсам, биласан-а, нима қиламан! Ҳа, кетингни олиб тепаман! Афсуски, телевизорнинг орқасига тепиб бўлмай-

ди! Биринчидан, Роналду «аниқ шеригига» эмас, «шеригига аниқ...» бўлиши керак. «Аниқ шериги, аниқ шериги!», нима, унинг ноаниқ шеригиям борми? Иккинчидан, шархловчи деган нима қилди-я ўзини қийнаб? «Тўп оширишни амалга оширди». Тўртта сўз-а? Ундан кўра, иккита сўз билан «тўпни оширди» десин! Яна нима дейди? «Фалончи ўтган ўйинда жароҳат ишлаб олди!». Шу гапни айтаётган одамнинг эҳсуши жойидами, йўқми, текшириб кўриш керак. Балки ўзи қачондир «жароҳат ишлаб олгандир»? «Фалончи ўз номини таблога ёздириб қўйди». Футбол кўриб юрган одам бу жумлани эшитиб, ўша Фалончининг гол урганини фаҳмлайди, албатта. Бироқ кўрмайдиганлар-чи? Бундан нимани тушуниши керак? Ёки бирорта футболчининг гол уриб, сўнг тентак қўйдаи югуриб, таблочиларни қидириб қолганини кўрганмисан? Тасаввур қил, Месси «Реал-Мадрид»га гол уриб, стадион таблочисининг олдига югургилаб қолса: «Номимни тез таблога ёзиб қў-



йинглар, гол урдим!..» Бу фирт жиннилик-ку, болам! Ҳамма биладиган Барцальини юзинг-кўзинг демай, Барзагли дейди! Ўзинг Барзагли, сўтак! Кенни Далглиш яхшиям шунинг шархларини эшитмайди. Эшитса, тўппа-тўғри Спорт арбитраж судига борарди, бунингнинг устидан шикоят қилиб. Ахир, унинг номини бирор марта тўғри айтмади-я шу бола! «Ливерпул»га келган кунидан бошлаб уни «Данглиш» деди, кетгунича. Бечора истеъфога чиқди-ю, экранда кўринмай қолди, бунинг «қовун»идан қутулди.

Хабарчиларинг ўн йилдан бери шахматчи зотидан бошқани беақлга чиқариб юрибди. Улар учун шахматчиларгина «акл-идрок соҳиблари». Бошқаларда акл-идрок йўқ. Улар учун футболчилар — «чарм тўп усталари», боксчилар — «чарм қўлқоп усталари». Яхшиям спортчиларнинг нутқни муҳокама қилиб ўтиришга вақти бўлмайди. Акс ҳолда, билмадим, минглаб футболчилар ўзларини чармдан копток тикадиган косибга айлантириб қўйгани учун уларни нима қиларди! Боксчиларчи, улар масалага сал чуқурроқ киришса, нима бўлишини биласанми? Ўзларини чарм қўлқоп тикадиган тикувчи деб

таърифлагани учун буларни соғ кўярди, деб ўйлайсанми?

Ҳар куни радио эшитиб ётаман. Оҳ-оҳ, бирам ажойиб қўшиқлар беради-ей «Ўзбекистон» билан «Машъал». Эшитиб мазза қиласан. Баъзан ёшлигига бориб неварам ҳалиги, шўх-шўх каналларинг бор-ку, шуларга қўйиб қолиши чатоқ-да. Улар ҳам яхшику, ярамастарнинг тилни бузишлари ёмон! Бир йилдан бери уларнинг қўшиқ билан таронанинг фарқи бормай улоқишларидан безорман. «Озодбек Назарбековдан янги тарона...» деса, ишонимман де, биринчи марта эшитганда. Ҳа-а, Озодбек ўғлимиз яхши қўшиқчи эди, энди созандаликка ҳам ўтибди-да, куй чала бошлабди, десам, «Кутаман, кутаман-ан, кутаман...» деб қўшиғиниям куйлаб қолди. Менимча, хонанда радиобошловчиларнинг нутқини тўғрилашларини кутаётган бўлса керак. Тушунмайман, бир тўп санъатшуносинг, бир тўп тилшуносинг бор, йилига биттаси фан номзоди бўлади. Лекин қўшиқ билан таронанинг ўртасида санди-

Чиройли  
куладиганлар  
сахифаси

роқлаётган бир гала тил безориси оғзидан чиқаётган чала-гапни тўғрилаш хаёлига келмайди бирортасининг!

Болам, хафа бўлмасанг, яна бир гап айтай. Тилни бузаётганлар фақат телевидение билан радиода бор экан, дема. Кўнглингда олма-ю, айрим газета-журналларингдаям шу аҳвол. Масалан, кейинги вақтларда «Фалон тадбирда маъруза тингланди» деб ёзаяписизлар. Ишонмасанг, санаб кўр. Бир сонда камида тўртта матбуот анжумани ҳақида ёзилса, уларнинг барида шу гап чайналади. «Маъруза қилди» ёки «маъруза ўқиди» десаларинг бўлмайдими? Мисол учун, «концертда қўшиқ эшитилди» дейилмайди-ку? «Кўшиқ куйланди» дейилади... Уйлаб қоламан, сизлар фақат матбуот анжумани ҳақида ёзасизларми ё бошқа мавзуларинг ҳам борми?..

Болам, дардимни ёзсам, дафтар куяди. Ёзмасам, дилим куяди. Дардимни сенга айтаман-да. Булар ичимдагиларнинг юздан бири. Ай-й, шу ҳеч ким тилни бузмаса, тилимизни, аввало, ўзимиз ҳурмат қилсак, дейман-да, бўтам!

Сенга куч-қувват, ижодий омадлар тилаб, катта бобонг: Эшмон.

**Бобонинг сўзларини  
ЭЛМУРОД роса  
«юмшатиб» тайёрлади**

Айбдор топилмади

5-«Б» синфда мажлис бўлиб ўтди. Кун тартибида турли масалалар кўрилди. Жумладан, кейинги пайтларда синфда тартиб-интизом сусайиб кетаётгани, айрим ўқувчилар томонидан уй вазифалари вақтида бажарилмаётгани айтилди.

— Уйимизга кўп меҳмон келади, — деди ўқувчи Маллаев. — Меҳмон келдими, дадам бўш шишаларни кўтартириб, дўконга чоптиради. Уй вазифаларни шунинг учун бажаролмайман.

— Масалан, мен кеча акам билан боғимиздаги тўнқани ковлаб оламан деб кунни кеч қилдик. Уй ишларидан ҳеч бўшайман, устоз, — дея кўзига ёш олди Кўзибоев.

Бундай олиб қараганда, синф ўқувчиларининг умумий баҳолари пасайиб кетаётганида ҳеч ким айбдор эмас экан. Ҳамманинг келтирган сабаблари жўяли чиқди.

— Ҳўш,— деди ўқитувчи Содиқов, — математика дарсида нега кўпчилик «икки» олди?

Синфхона сув қуйгандек жим бўлиб қолди.

— Гапиринглар, — деди муаллим жиддий.

— Устоз, биз ўқитувчи берган масалани ечмоқчи эдик, — чайналди синф сардори Норкулов. — Шу, Зокир энди доскага чиққанди, ёзаман деётганда бўр синиб қолди-да...

Умуман олганда, синф мажлисида айбдор топилмади. Лекин ҳамма бир оғиздан тартиб-интизомли бўлишга, яхши ўқишга ваъда берди.

Болалар, айтинг-чи, айбдор бўлишмаса, ўқувчилар ўқитувчига нега бундай ваъда беришди?..

**Ўлмасбек МАХМАРАЙИМОВ**

## ХОТИНИМНИНГ ГАПЛАРИ

Иш бошлади қаранглар,  
Каминангиз гаранглар,  
Эрта тонгдан жаранглар,  
Хотинимнинг гаплари.

Қулоғимга мой бўлар,  
Ичсам аччиқ чой бўлар,  
Қирқ халтага жой бўлар,  
Хотинимнинг гаплари.

Сўзимнинг ахири йўқ,  
Ўзидан моҳири йўқ,  
Сираям охири йўқ,  
Хотинимнинг гаплари.

Юборманг менга чопар,  
Ҳар недан хабар топар,  
Мен учун сўнги хабар,  
Хотинимнинг гаплари.

Тинч қўймас, ҳатто ишда,  
Хоҳ ўнгим, хоҳи тушда,  
Бошимга тушган муштда,  
Хотинимнинг гаплари.

Чиқмам дунё кўргани,  
Вақтим йўқдир юргани,  
Менга бўлса бўлгани  
Хотинимнинг гаплари.

## ОТДАН ТУШИШ

Кулиб турган башара қани,  
Мени севган тасқара қани,  
Хўп қулдирган масқара қани,  
Мен-чи, отдан  
тушгандан буён.

Улфат қочган, майхона ёпиқ,  
Ҳар шанбада чойхона ёпиқ,  
Тўри бандли тўйхона ёпиқ,  
Мен-чи, отдан  
тушгандан буён.

Югуришиб юришганлар йўқ,  
Қўл кўксидан

туришганлар йўқ,  
Мени дея уришганлар йўқ,  
Мен-чи, отдан  
тушгандан буён.

Иссиқ сувни кўрган  
йўқ қўлим,  
Жуда олис манзилим, йўлим,  
Ортиқчамас чўнтакда  
пулим,

Мен-чи, отдан  
тушгандан буён.

Ўғиб юрган салом бермайди,  
Энди менга калом бермайди,  
Ҳеч нарсани тамом  
бермайди,

Мен-чи, отдан  
тушгандан буён.

Ялтоқлардан роса  
бездим мен,  
Кўчаларни яёв кездим мен,  
Ўзимни хўп енгил  
сездим мен,

Мен-чи, отдан  
тушгандан буён.

**Абдураззоқ ОБРҮЙ**

# Тажриба ва маҳорат уйғун

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига замон талабига мос, пухта билим беришда устозлар тажрибаси ва маҳорати катта аҳамиятга эга. Гулистон шаҳридаги 6-мактабда қарор топган ўзига хос янги анъана ва тажрибалар худди шу мақсадларга қаратилган.

Мактабда яратилган қулай шарт-шароитлар, ўқув хоналарининг замонавий услубда жиҳозланганлиги сифатли таълим кафолатига айланмоқда. Ҳозирда элликта фан, олтита спорт тўғараги ташкил этилган бўлиб, ушбу тўғаракларга мингдан зиёд ўқувчи жалб этилган. Спортзал, спорт майдончалари, гимнастика зали ўқувчилар ихтиёрида.

Ушбу мактабда ташкил этилаётган турли танловлар, учрашув ва семинарлар бевосита тажриба майдонига айланиб қолган. Чунончи, инглиз тили ўқитувчиларининг вилоят семинари, шаҳар ва вилоят ўқитувчиларининг «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловининг айнан шу мактабда ўтказилишида ҳам ўзига хос маъно бор.

Булардан ташқари, мак-

табда «Жажжи билимдонлар» кўрик-танловининг вилоят босқичи ҳам ўтказилди. Семинар тарзида ташкил этилган ушбу тадбир ҳозирда вилоят миқёсида оммалаштирилмоқда. Ибратли тадбирлардан бири — «Китобсеварлар» танлови бўлди. Китобга меҳр қўйган ёшлар баҳсида мактабнинг 9-синф ўқувчиси, иқтидорли ҳаваскор ёш расом Ғолибжон Салимов ғолиб бўлди.

Мактаб ўқувчиларининг фан олимпиадалари ва билимлар беллашувидаги иштироки ҳам алоҳида эътирофга сазовор. Ирода Дауланова, Фарангиз Набиева, Дурдона Абдунарсова, Любовь Кан сингари иқтидорли ўқувчилар вилоят фан олимпиадасида ғолиб бўлишди. Ўқувчиларнинг юқори кўрсаткичларга эришишида Антонина



Честних, Қундуз Аликулова, Дилафрўз Раимжонова, Саломат Ниёзова каби тажрибали ўқитувчиларнинг ҳиссаси катта.

Шунингдек, айна пайтда бошланғич синф ўқитувчиларидан Феруза Имомкулова, Ҳамида Холдавлатова ҳамда Людмила Кравченконинг, рус тили ўқитувчиси Оксана Сатторова ва Гул-

чеҳра Сармонова, инглиз тили ўқитувчиси Дилора Олтабоева, математиклар — Гулчеҳра Номозова ва Шаҳзода Абдурахмонованинг янги изланишлари таълим сифатини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
**«Turkiston» муҳбири**



## Энг узун рулет

Япон ошпазлик коллежи ўқувчилари дунёдаги энг узун рулетни тайёрлади.

Дунё рекордини янгилаган рулетнинг узунлиги нақ 130 метру 68 сантиметрники ташкил этди. Бўлажак ошпазларга бу узун рулет учун 54 килограмм ун, 43 килограмм шакар ва 2682 дона тухум керак бўлди. Тўқсон нафар талаба бу ширинликни тайёрлашга бир неча кун давомида қилган тинимсиз меҳнатлари орқали эришди. Рулет тайёрлаш жараёнига Гиннеснинг «Рекордлар» китоби ҳайъатидан вакиллар келиб, янги рекордга гувоҳ бўлди ҳамда ошпазларга рекорд натижани тасдиқловчи сертификатни тоширди. Бундан олдинги рекордни ҳам японлар 2011 йилнинг ноябр ойида ўрнатган эди. Ушанда рулетнинг узунлиги 115 метр бўлиб, унга юз килограмм қаймоқ, ўн килограммдан ортиқ шакар ишлатилган эди.

## Метрода чегирма

Сингапур транспорт вазирлиги эрталабки вақтда метродан фойдаланиш бепуллиги тўғрисида қарор чиқарди.

Йўловчилар иш кунлари метродан соат 7:45 гача бепул фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, 7:45 дан 8:00 гача 26 фоизлик чегирма амал қилади. Янги лойиҳа ёз фаслининг бошларида ишлаши кўзда тутилган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бундай чоралар тизим вақтларда метрони оз бўлсада бўшатиш имконини беради. 2011 йилдан буён метронинг ҳаракатида тез-тез узиллишлар бўлаётган эди. Натижада, метрода поездлар ўртача бир соатгача ҳаракатлана олмай қолган. Маълумотларга қараганда, бир йил ичида лойиҳа бюджетга ўн миллион Сингапур доллари (саккиз миллион АҚШ доллари) тушади. Айна вақтда Сингапур метро-сидан бир марта фойдаланиш 1,95 Сингапур доллари тенг (тахминан бир ярим АҚШ доллари). Сингапур оролда жойлашган давлатдир. Сингапур метросининг йўналишлари бутун мамлакат ҳудуди бўйлаб ўтади. Метрода ҳозир 102 бекат мавжуд.

## 1860 йиллик жазо

Таиландда собиқ полиция ходими Чантхима Петчханорм Бангкок суди томонидан нақ 1860 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Жазо муддатининг узоклигига сабаб, 44 ёшли Петчханорм Таиланд жиноят кодексининг битта моддасига тўғри келадиган кўплаб жиноятларни содир этган. Ҳар бир жиноят учун жазо муддати қўшиб чиқилиб, охирида қонун бўйича энг юқори муддат — 50 йилгача қисқартирилган. Шунингдек, аёл унинг ҳаракатларидан зарар кўрган кишиларга тоvon пули ҳам тўлаши белгиланган. Маълумотларга кўра, аёл 372 марта имзоларни сохталаштирган. Бу муддат оралиғида у полициянинг ходимларга нафақаларни тўлашга масъул бўлган молия бўлимида ишлаган. Айбловнинг ҳар бир банди бўйича уни беш йилдан озодликка маҳрум қилишди.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

## Boshlang'ich tashkilotlarda

# Мазмунли учрашув

«Ўзметкомбинат» ОАЖдаги мактабгача тарбия муассасалари цехи «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти ташаббуси билан касабга уюшмаси кўмитаси билан ҳамкорликда 8-мактабгача таълим муассасасида ёш ишчи-ходимлар учун Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари тарғиботи бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Асар асосида тайёрланган ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

— Бугунги давра суҳбати биз, ёшлар учун ниҳоятда керакли суҳбат бўлди, — дейди 1-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Зарина Файзиева. — Ёш авлодни мустақиллик ғоялари асосида тарбиялашимизда, уларга истиқлолимизнинг қанчалик қадрли эканини тушунтиришда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Мазмунли учрашув учун ташкилотчиларга раҳмат деймиз.

Давра суҳбати сўнгида иштирокчилар мавзу доирасида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Бекзод ҚОДИРОВ,**  
**«Ўзметкомбинат» ОАЖ**  
**«Камолот» ЁИХ БТ етакчиси**

## Ustoz-shogirdlik an'anasi



# Илғор педагогик технологиялар амалда

Боғдод хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежи 2008 йилда фаолият бошлаган. 1074 нафар қишлоқ ёшлари саккиз йўналишда таълим олаётган мазкур ўқув юртида педагогик жамоанинг олтамиш фоиздан ортигини ёш ўқитувчилар ташкил этади. Таълим сифатини яхшилаш, дарс самарадорлигини ошириш, энг аввало, педагогик жамоанинг салоҳиятига боғлиқ. Ўқув юртида устоз-шогирдлик анъанаси йўлга қўйилган. Абдунаби Мадраҳимов, Салоҳиддин Назирқулов, Анваржон Темиров, Дилором Эҳсонова ва Муҳаббат Йўлдошева каби устозлар ёш ўқитувчилар билан ўз билим ва педагогик тажрибаларини ўртоқлашяпти.

Шу билан бирга, таълим жараёнига ахборот-коммуникация, илғор педагогик технологиялар ҳамда электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш мақсадида қатор ишлар қилинди. Жумладан, case study, балиқ склети, ВЕНН диаграммаси ва «Нима учун?» ўйини каби қатор усуллар дарс жараёнига татбиқ этиляпти. Бу борада инглиз тили ўқитувчиси Нилуфар Болтабоева, оилашунослик фанидан Дилором Эҳсонова, она тили фани бўйича Иқболхон Ҳасанова ва биологиядан Маннонхўжа Ҳодибоев каби интилувчан устозлар илғорлик билан янги услубларни ўз очиқ дарслари орқали бошқаларга намуна қилиб кўрсатишди.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» муҳбири**

